

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

«ПЕНСИЯ ИШИ» КАФЕДРАСИ

НОМОЗОВ ХАСАН ИЛХОМ ЎҒЛИ

**“ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ
МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”**

5231300 -“Пенсия иши” бакалавриат таълим йўналиши

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

Факультет декани

_____ и.ф.н., доц. **О. Комолов**

“ _____ ” _____ 2018й.

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Пенсия иши” кафедраси мудири

_____ и.ф.н. **Б.Маматов**

“ _____ ” _____ 2018й.

Битирувчи:5231300 -“Пенсия
иши” таълим йўналиши 4-курс
талабаси

Илмий раҳбар: _____ фах.проф. Г.Касимова

ТОШКЕНТ – 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИ ТАРКИБИДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	7
1.1.Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти.....	7
1.2.Ўзбекистонда Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асослари.....	15
1-боб бўйича хулоса.....	22
2-БОБ.ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ.....	23
2.1. Ўзбекистонда Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти.....	23
2.2. Пенсия жамғармасидан пенсия таъминотини молиялаштириш механизмини таҳлили.....	
2.3.Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш жараёни.....	29
2- боб бўйича хулоса.....	38
	43
3-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	45
3.1. Фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этишда ижтимоий жамғармалардан фойдаланишнинг жаҳон амалиёти.....	45
3.2.Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари.....	53
3-боб бўйича хулоса.....	59
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	60
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	63

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Аҳолини иштимой ҳимоялаш муаммоси умуминсоний муаммо бўлиб, ўзида ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик жараёнларни мужассамлаштиради. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий ҳимоялаш ҳар бир давлатнинг инсонпарварлик, адолатли сиёсатининг маҳсули сифатида намоён бўлиб келган. Жаҳондаги иқтисодий тараққиёт даражаси турли-туман бўлган мамлакатларнинг деярли ҳаммасида ижтимоий ҳимоянинг турли кўринишларига муҳтож бўлган аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳар қандай шароитда мавжуд бўлади. Ҳар бир давлатда инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўз фуқароларини ижтимоий ёрдамга муҳтож табақаларга моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади, ўз конституцияларида берилган ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, «Солиқ-бюджет сиёсатида қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш... – ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади»¹.

Ўзбекистон Республикасида халқ фаровонлигини белгиловчи асосий омиллар қаторида давлат молияси, давлат бюджети жумладан, давлат

¹Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш-нинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. \\\ Халқ сўзи. 2016 йил.

мақсадли жамғармалари ҳамда уларнинг пул айланмасининг барқарорлиги белгилаб олинди. Ижтимоий ривожланиш жараёнида давлат мақсадли жамғармалари фаолиятини ташкил этиш ва ғазна ижросини таъминлаш ишлари давлатнинг ўз функция ва вазифаларини тўлиқ адо этиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг барча даромадларини, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумларини Ягона ғазна ҳисобварағига жамлаш ва уларнинг барча харажатларини шу ҳисобварақдан амалга оширишни назарда тутди. Бу эса давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, давлат қарзлари ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнларининг тезкор назоратини ва мониторингини олиб бориш, давлат маблағларининг самарали ишлатилишини таъминлаш, давлат молиявий ресурсларининг ҳаракати тўғрисида тезкор тарзда маълумотларни жамлаш имконини беради. Ўзбекистон Республикасидаги ҳозирги долзарб ижтимоий муаммоларни ўрганиш мақсадида битирув малакавий ишимизга «Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат мақсадли жамғармаларидан фойдаланиш»мавзуси танлаб олинди.

Битирув малакавий иши предметидаЎзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари ёрдамида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жараёнлари олинган.

Битирув малакавий иши объектиниЎзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисобот маълумотлари ташкил этган.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади –Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан ижтимоий харажатларни молиялаштиришнитакомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар

беришдан иборат. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгиланган:

– аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида давлат мақсадли жамғармаларининг аҳамияти ва асосий вазифаларини ўрганиш;

– Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муаммоларни гуруҳлаш ва уларни ҳал қилиш йўллари аниқлаш;

– Ўзбекистон Республикасида ижтимоий давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш амалиётини ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланиш механизмни таҳлил қилиш;

– фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этишда ижтимоий жамғармалардан фойдаланишнинг жаҳон амалиёти ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан ижтимоий харажатларни молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши мавзусининг назарий-амалий аҳамияти.

Битирув малакавий ишида асосланган хулоса ва таклифларни пенсия амалиётида қўллаш имконияти мавжуд. Шунингдек, битирув малакавий иши маълумотлариданолий ўқув юртларида «Давлат бюджети», «Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари фондлар» ва «Ижтимоий суғурта» фанларида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иши таркибининг қисқача тавсифи.

Битирув малакавий ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Битирув малакавий ишида 10 та жадвал ва 10 та расм келтирилган. Жами **70 бетдан** иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида битирув малакавий иши мавзунинг долзарблиги, предмети, объекти, битирув малакавий ишининг

мақсади ва вазифалари, битирув малакавий иши мавзусининг назарий-амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи «Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармаларининг ўрни ва аҳамияти» номли биринчи бобда Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш зарурияти кўрсатилган. Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асослари ўрганилган.

«Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланиш амалиёти» номли иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти ўрганилган. Пенсия жамғармасидан пенсия таъминотини молиялаштириш жараёнлари таҳлил қилинган. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш йўллари кўрсатилган.

«Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобда фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этишда ижтимоий жамғармалардан фойдаланишнинг жаҳон амалиётини кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари аниқланган.

Хулоса ва таклифлар қисмида Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан ижтимоий харажатларни молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар келтирилган.

1-БОБ. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИ ТАРКИБИДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилади.

Мамлакатда аҳоли даромадлари сиёсати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатларда белгиланган қуйидаги тамойиллар асосида юритилади:

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ижтимоий адолат;
- ижтимоий ҳамкорлик ва аҳолининг барча қатламларининг бирдамлиги;
- фуқаронинг моддий аҳволи учун шахсий масъулиятнинг оширилиши;
- ижтимоий-маданий соҳалар ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантирилиши;
- меҳнат ҳуқуқи ва меҳнатни муносиб рағбатлантирилиши.

Ижтимоий соҳа инсонларнинг турмуш даражасини, аҳоли фаровонлигини, фуқароларнинг истеъмолини аниқловчи, бевосита бири-бирига боғлиқ корхоналар, бюджет ташкилотлари ва муассасалар мажмуидир. Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат

шароити, таълим-фан, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси таркибига уй-жой, коммунал хизмат, аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа, соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, маданият, фан ва бошқалар киради. Моддий ишлаб чиқаришсиз ривожланган тиббий хизматни, таълимни ва маданиятни тасаввур этиш қийин бўлганидек, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш негизи моддий ишлаб чиқариш тармоқлари яратилади. Мамлакатда макроиктисодий барқарорлик таъминланса, ижтимоий ҳимоя тизимини молиявий мустаҳкамлаш муаммолари ҳам жидий тус олмайди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркиби ва тузилиши²

(жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100	100	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш	58,9	58,7	59,5	59,1	59,2	57,8
Иқтисодиётга харажатлар	11,1	10,6	10,7	10,9	10,6	10,8
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	5,4	5,6	4,7	4,7	4,9	5,2
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	4,1	4,5	4,3	4,4	4,3	4,4
Бошқа харажатлар	20,5	20,6	20,8	20,9	21,0	21,8

²Ўзбекистон Республикаси Молиявазирлигининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Давлат бюджетидан жисмоний шахсларга пенсиялар, стипендиялар, нафакалар ва компенсациялар шаклида бюджет трансфертлари бериледи. Бюджет трансфертлари - бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсларга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратилмайдиган қайтарилмайдиган пул маблағларидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг қарийб 58-59,0 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилиши, бу маблағларнинг асосий қисми таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини юксалтириш, эҳтиёжманд аҳоли гуруҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилгани ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида эканлигининг исботидир. Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, бу туркум харажатлар 2012-2017 йилларда жами бюджет харажатларининг 59,2 -57,8 фоизини ташкил этган. Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар номинал миқдорларда, шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини молиялаштиришда давлат маблағларини самарали тақсимлаш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу мақсаддаги харажатларни режалаштиришда давлат дастурларининг кўлами, даромадлар ва харажатлар нисбатини ҳам ҳисобга олинади. Иқтисодий модернизациялаш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш ва кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш, ижтимоий дастурларни молиялаштириш манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг саломатлигини асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ҳукуматимизнинг бевосита ташаббуси билан

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, “Соғлом она-соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатликни асраш каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бунинг самарасида Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги «Соғлом она ва бола йили» Давлат Дастури тўғрисидаги 2487-сон Қарори асосида «Соғлом она ва бола йили» Давлат Дастурини молиялаштириш манбалари белгиланди.

2-жадвал

“Соғлом она ва бола йили” Давлат Дастурини молиялаштириш манбалари³

№	Давлат дастурини молиялаштириш манбалари	млрд.сўм	млн.АҚШ долларларида
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	4281,0	3,0
2.	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	1062,8	3,0
3.	Тижорат банклари кредитлари	1911,4	-
4	Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлар	228,1	188,0
	Жами	7483,3	194,0

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури тўғрисидаги 2487-сон Қарори асосида муаллиф томонидан тузилган.

борасида 100 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган нормалар ўз ифодасини топди. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг иқтисодий жабҳадаги фаоллигини юксалтириш, хотин-қизларнинг таълим ва фандаги роли кучайтирилди.

«Ёшларга оид давлат сиёсати Давлат дастури, ҳудудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади»⁴.

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, кенг қўламли ижтимоий ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилди. Мамлакатимизда йилларга қандай ном бермайлик – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, инсон қадриятлари чуқур маъно ва мазмунга эга. Ҳукуматимиз томонидан ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш учун йирик ижтимоий давлат дастурларни молиялаштириш натижасида республикада аҳолининг ҳаёт сифатини юксалтириш масалалари ҳал этилади. Мазкур вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий дастурларни молиявий таъминотини такомиллаштириш асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадли йўналишларидан бири – аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тавсия этилган кўрсаткичларини яхшилашда

⁴Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 2016. 16 сентябр.

мамлакатдаги ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг миқдори ва сифати, умуман айтганда, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ривожланганлик даражаси асосий омиллар бўлиб хизмат қилади.



1-расм. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тавсия этилган аҳоли турмуш даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими⁵

Жамиятда тенглик, адолат тамойиллари қарор топиши мувозанат ва уйғунликни юзага келтиради. Ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири - фуқароларга кенг имкониятлар ва тенг шароитлар яратилгани билан ўлчанади. Ўзбекистон аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишларга, ислохотларнинг барча босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётни барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ислохот сиёсати олиб борилмоқда. Кучли

⁵Мехмонов С., Тошмухамедова Д. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳани қўллаб-қуватлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Мамлакатимизнинг иқтисодий тарақққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истиқболлар. Б.А. Бегаловнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2016. –Б.51.

ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини, айниқса, унинг ночор гуруҳларининг манзилли ва мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтилди.

Ижтимоий соҳада бутунлай янги – инсон ҳаёти, турмуш фаровонлиги, тинчлиги ва барқарорлигига йўналтирилган яхлит, демократик тизим вужудга келди. Қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш асносида ҳақиқий эркин демократик тартиб шакллантирилди. Дарҳақиқат, қонун устувор бўлган жойдагина ва қонун доирасида эркин фаолиятгина кишилик жамиятининг бутун моҳиятини белгилайди ва уни юксак қадриятга айлантиради. Чунки ҳақиқий демократия – бу қонун ҳукмронлигидир. Энди ана шу қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий цивилизация талаблари, XXI асда инсон ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган глобал муаммолардан келиб чиқиб, ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу – бевосита жамиятнинг барча соҳалари ва йўналишларини қамраб олган ялпи янгиланишларни талаб қилаётган ҳаётий эҳтиёждир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади»⁶.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун реал шарт-шароитларни яратадиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳамиятга молик улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биз ўз олдимизга қўяётган

⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 2017 йил. 22 декабр.

мақсад эса – олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат⁷. Ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиш кўзда тутилган. Ушбу йўналиш, “... фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, ... аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш”⁸ чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

Ўзбекистонда ижтимоий масалаларга ҳам катта эътибор қаратилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эришилмоқда. Айниқса, Ўзбекистонда аҳолининг кекса қатламига ғамхўрлик қилиш долзарб вазифа деб қаралмоқда. Пенсия таъминоти тизими ижтимоий ҳимоянинг бир бўғини сифатида юзага келди. Дастлаб пенсия таъминоти давлат томонидан тўлиқ кафолатланган бўлса-да, кейинчалик иқтисодийнинг трансформациялашуви натижасида ушбу соҳа кекса ва ёш авлодлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини бажармоқда.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида шарҳ.

⁸Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 4.2-банд.

1.2. Ўзбекистонда Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асослари

Ҳозирги кунда мамлакат молия тизими олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири – давлат мақсадли пул жамғармаларининг фаолиятдан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя функцияси давлат мақсадли жамғармаларининг олдида турган биринчи даражали ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳам аниқлаб берди. Айни пайтда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибидаги давлат мақсадли жамғармалари нафақат бюджетнинг даромадлар базасини таъминлаши керак, балки келиб тушган пул маблағларини тўғри ва қонуний харажат қилиши лозим.

Жамиятда макроиқтисодий барқарорлигини ошириши ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаши ва уларнинг иш билан бандлигини ҳам таъминлаши зарур. Бугунги кунда бюджет жараёнини самарали ташкил қилиш ишларини ғазначиликсиз таъминлаш қийин эканлигини олимлар ва иқтисодчилар, қолаверса, соҳа мутахассислари асосли равишда эътироф этмоқдалар. Чунки ғазначилик назорати бюджет даромадлари ва харажатларини Ягона ғазна ҳисобварағига жамлаш, пул маблағларини тўғри режалаштириш, молиявий оқимларнинг дастлабки ва жорий назоратини амалга ошириш ҳамда давлат бюджетини юқори тезликда ижро қилиш имконини беради.

Жамиятда яратилган ЯИМ ни ва унинг асосий қисми бўлган миллий даромад хўжалик субъектлари ўртасида молия воситасида тақсимланади, яъни пул фондларига айлантирилади. Бирламчи тақсимот ишлаб чиқаришнинг ўзида амалга ошади. Бундай тақсимот натижасида бирламчи даромад юзага келади: фойда, иш ҳақи фонди, ижтимоий суғурта учун ажратмалар, амортизация ва бошқалар ташкил топади. Иккиламчи тақсимот, яъни қайта тақсимлашда бир марта тақсимланган маҳсулот қиймати молия воситасида масалан, солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва

хар хил тўловлар ёрдамида давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари фондларга қайта тақсимланади.

Қайта тақсимлашда молиянинг асосий унсури бўлиб бюджет асосий рол ўйнайди. Даромадни қайта тақсимлаш натижасида давлат ва корхоналар, тармоқлар, муассасалар, аҳоли ўртасида молиявий муносабатлар рўй беради, уларнинг ҳар бири ўзига тегишли вазифани бажаради.

Молия тизимининг таркиби қуйидагилардан иборат: давлат молияси, корхоналар молияси, суғурта.. Ўзбекистонда давлат молиясининг таркибий қисми Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналарининг молияси, давлат кредитдан иборат. Молиявий ресурсларнинг икки хил тури мавжуд.


1. Макроресурслар, марказлашган ресурслар. Улар мамлакат миқёсида ташкил топган давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига пайдо бўлади ва давлат ихтиёрида туради.

2. Микроресурслар, марказлашмаган ресурслар. Улар корхона, фирма, компания, концерн, ташкилот, жамоат уюшмалари доирасида бўлиб, хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари ҳисобланади.

Микроресурслар корхона, ташкилотлар фаолиятига хизмат қилса, макроресурслар умумдавлат эҳтиёжларига йўналтирилади. Бозор иқтисодиёти тизимида микроресурслар бирламчи бўлиб, улар устуворликка эга, чунки иқтисодий эркинлик шароитида хўжаликнинг дастлабки бўғини - корхона, фирма, компания корхоналар молияси иқтисодий ўсишнинг таянчи ҳисобланади. Макроресурслар иқтисодиётни тартиблашда асосий рол ўйнайди ва давлатнинг иқтисодий-ижтимоий вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда умумдавлат молияси жаҳондаги ҳар бир давлатнинг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолияти иқтисодий ўсишнинг сифати ва ижтимоий фаровонлик

даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда умумдавлат молияси муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Умумдавлат молиясининг мақсади – ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш, ижтимоий фаровонликка йўналтирилган жамиятни барпо этишдир. Умумдавлат молиясининг барқарорлиги мамлакат иқтисодиёти ва энг аввало, унинг ижтимоий соҳаси ҳолатини характерлайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақил-лигининг дастлабки кунларидан замонавий умумдавлат молиясини барпо этиш бошланган. Бу мамлакат иқтисодиёти олдида турган жуда кескин ўзгартиришлар шароитида содир бўлиб, улар ўз навбатида умумдавлат молиясининг асосий вазифаларини ҳам белгилаб берди. Бунда Ўзбекистон иқтисодиётини хўжалик юриштишнинг бозор шароитларига мослаштириш, иқтисодий-ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва миллий иқтисодиётда инвестицион фаолликни рағбатлантириш алоҳида ўрин эгаллайди.



2-расм. Давлат молиясининг таркибий тузилиши⁹

⁹Ваҳобов А.В, Касимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисод-молия. 2015. –Б.21.



3-расм. Консолидациялашган бюджети таркиби (ихчамлашган)¹⁰

Юқоридаги расмда Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркиби берилган. Бюджет Кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига қуйидагилар киради: Давлат бюджети; давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари; Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.

Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг асосий соҳаси бўлиши билан бир қаторда давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик функцияларини амалга оширишда, уларни молиявий ресурслар билан ҳам таъминлаб туриш орқали иштирок этади. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти – ЯИМнинг ҳамда миллий бойликнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида давлат ва давлат корхоналари ихтиёрида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиявий ресурсларнинг шаклланиши, шунингдек, кенгайтирилган ишлаб чиқариш билан бир қаторда

¹⁰Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни. 2013 йил. 26 декабр. 46-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркиби.

жамиятнинг ўсиб бораётган ижтимоий- тадбирларини молиялаштиришда намоён бўлади.

Давлат бюджети ёрдамида давлат жамиятнинг кам таъминланган ва ёрдамга мухтож бўлган қатламларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни таъминлайди, иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш чораларини кўради. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети – давлатнинг вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармасидир¹¹.

Республикамизда 1995 йилдан бошлаб маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлигини сақлаган ҳолда, Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари фондлари жамланди. Ушбу чора давлатнинг барча маблағларини давлатнинг фискал вазифасини бажарувчи органлар назорати остида жамлаш имконини берди. «1998 йилда Давлат бюджетининг “Мақсадли фондлар даромадлари” ва “Мақсадли фондлар харажатлари” деб номланувчи махсус бўлимларида маблағларни акс эттирувчи, бюджетда жамланувчи бюджетдан ташқари фондлар сони тўрттагача камайди»¹². Бюджетдан ташқари фондлар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, бу фондларнинг ҳаммаси ҳам давлат бюджети таркибига киритилмади, Шу қолган тўртта фонд 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” Қонунига мувофиқ Давлат бюджети таркибида жамланувчи давлат мақсадли жамғармалари мақомига эга бўлди.

Бюджет Кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган Давлат бюджети таркибида куйидаги давлат мақсадли жамғармалари жамланган:

¹¹Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни. 2013 йил. 26 декабр. 3-модда.

¹²Срождиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. Т.:Infocom. 2015. –Б.360-361.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси.
3. Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси.
5. Таълим ва тиббиёт муассасаларин ривожлантириш жамғармаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси.

Давлатнинг ижтимоий жамғармалари фуқароларнинг пенсия ва нафақалар олиш, касаллиги, ногиронлиги, боқувчисини йўқотганлиги ҳолатларида ижтимоий таъминланиш, соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, ишсизликдан ҳимояланиш кабилар билан боғлиқ конституцион ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган. Иқтисодий фондлар жамият хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг ривожланишига давлат томонидан таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий мақсаддаги жамғармаларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси киради.

Биринчи боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки мураккаб, иқтисодий танглик йилларида одамларнинг турмуш даражасини барқарорлаштириш мақсадида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни сақлаш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш жараёнларини давлат йўли

билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва воситаларидан фойдаланилди. Жумладан, босқичма-босқич иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар миқдори оширилди, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар шаклидаги тўловлар жорий қилинди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар баҳосидаги фарқларни бюджет орқали қоплаш, аҳолининг турли муҳтож қатламларига нафақалар тайинлаш, уларнинг манзилли бўлишини таъминлаш, давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар пакетини ишлаб чиқиш ва уни тўлиқ маблағ билан таъминлаш каби усуллари кенг қўлланилди. Бу тадбирларнинг барчаси тегишли қонуний-ҳуқуқий асосга таянган ҳолда амалга оширилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ижтимоий адолат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тамойиллари асосида ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Жамиятни ривожланишида ижтимоий тенглик, ижтимоий кафолатларни таъминлаш аҳоли фаровонлигини ошириш каби вазифалар бажарилади ва ижтимоий муаммолар ҳал этилади. Турли мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократик тараққиёт ва унинг аҳоли манфаатига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қилади. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошланди. 90-йилларга келиб, бозор иқтисодиётига ўтиш асосида амалдаги ислохотларга мос равишда янгидан шаклланди. Айниқса, миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод, қадрият ва анъаналарнинг тикланиши ижтимоий ҳимоя тизимида муҳим янгилик бўлиб қўшилди.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Ўзбекистонда Республикасида давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти

Давлат мақсадли жамғармалари - давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағларидан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Мамлакат молия тизими олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири – давлат мақсадли жамғармаларининг фаолиятдан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Бюджет тизимни шакллантириш ва уни барқарорлаштириш, мазкур соҳани давлат томонидан бошқариш самарадорлигини ошириш асосий шартларидан бири сифатида амал қилади. Бу борада давлат молиясини ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жамланган бюджет бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат мақсадли жамғармалари фаолияти натижавийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги уйғунлиги ва тафовутлар сезиларли, лекин улар ичида асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади. Хусусан, уйғунлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, иккаласи ҳам давлат тасарруфида бўлиб, даромадлари ва харажатлари фақат давлат томонидан мувофиқлаштириб турилади. Тафовути шундан иборатки, давлат даромадлари шаклландан кейин уни турли хил мақсадлар учун қайта тақсимлаш эҳтимоли мавжуд, давлатнинг мақсадли жамғармалари эса қатъий мақсадли бўлиб, номи нимага қаратилган бўлса, фақат ўша мақсадга сарфланади ва қайта тақсимланиш хусусияти жуда сезиларсиз бўлади.



5-расм. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети таркиби¹³

Давлат маблағларнинг мақсадли йўналтирилишига кўра давлат мақсадли жамғармалари ижтимоий ва иқтисодий жамғармаларга ажратилади. Ижтимоий аҳамиятдаги жамғармалар ҳукуматга фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишга имкон беради. Иқтисодий жамғармалар жамиятда хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг ривожланишига давлат томонидан таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда мақсадли жамғармалар тури бир нечта бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий мазмунига қараб уч гуруҳга бўлинади¹⁴:

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2013 йил. 26 декабр. 46-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркиби.

— ижтимоий аҳамият касб этувчи жамғармалар (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги: Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси; Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси; Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси; Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси);

— иқтисодий аҳамият касб этувчи жамғармалар (Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси; Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси; Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси);

— бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий аҳамият касб этувчи жамғарма (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси).

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос равишда ташкил этилган давлат мақсадли жамғармаларининг даромад ва харажатларини таҳлил этиш учун жадвалга мурожаат қиламиз. Берилган жадвал маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, йиллар давомида давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ҳам абсолют суммада, ҳам нисбий суммада ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳа ва тармоқларга бўлган эътиборнинг юқорилигидан далолат беради. Берилган жадвал маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, йиллар давомида давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ҳам абсолют суммада, ҳам нисбий суммада ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳа ва тармоқларга бўлган эътиборнинг юқорилигидан далолат беради. Аммо иқтисодий аҳамият касб этувчи Ўзбекистон Республикаси

¹⁴Хайдаров Н. Давлат молиясининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни. // Молия. -Тошкент. 2015. -№1. – Б.8.

Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси молиявий маблағлари пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2012 йилга 4747,6 сўм бўлган бўлса, 2017 йилда 2755,9 млрд сўмга пасайган.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг 2012-2017 йиллардаги давлат мақсадли жамғармалари даромадлари¹⁵
(млрд.сўмда)

Т\р	Асосий бюджет кўрсаткичлари	ЙИЛЛАР					
		2012	2013	2014	2015	2016	2017
I	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	10709,8	13799,4	16992,1	21389,3	23476,8	25701,1
II	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	2335,9	22,63,5	2936,5	2755,9

Давлатнинг ижтимоий жамғармалари фуқароларнинг пенсия ва нафақалар олиш, касаллиги, ногиронлиги, боқувчисини йўқотганлиги ҳолатларида ижтимоий таъминланиш, соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, ишсизликдан ҳимояланиш кабилар билан боғлиқ конституцион ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган. Иқтисодий фондлар жамият хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг ривожланишига давлат томонидан таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий мақсаддаги жамғармаларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси қиради.

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги 1675-сон, 2012 йил 25 декабрдаги 1887-сон, 2013 йил 25 декабрдаги 2099-сон, 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сон, 2015 йил 22 декабрдаги 2455-сон, 2016 йил 27 декабрдаги 2699-сон Қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос равишда ташкил этилган давлат мақсадли жамғармаларининг даромад ва харажатларини таҳлил этиш учун жадвалга муурожаат қиламиз.

4-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасининг 2012-2017 йиллардаги давлат мақсадли жамғармалари харажатлари¹⁶
(млрд.сўмда)**

Тўр	Асосий бюджет кўрсаткичлари	ЙИЛЛАР					
		2012	2013	2014	2015	2016	2017
I	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	10709,8	13799,4	16992,1	21389,3	23476,8	25701,1
II	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси харажатлари	4747,6	2618,5	2335,9	22,63,5	2474,0	2309,1

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз чиқишларидан бирида ижтимоий аҳамият касб этувчи йўналишлардан бири бўлган кексаларнинг турмуш тарзини давр талабларига жавоб беришини таъминлаш учун Давлат бюджетидан кераклича харажатларни амалга ошириш зарурлигини қуйидаги фикрлари орқали ифода этган. «..Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш мақсадида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги 1675-сон, 2012 йил 25 декабрдаги 1887-сон, 2013 йил 25 декабрдаги 2099-сон, 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сон, 2015 йил 22 декабрдаги 2455-сон, 2016 йил 27 декабрдаги 2699-сон Қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

афақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир»¹⁷. Республикамизда 1995 йилдан бошлаб маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлигини сақлаган ҳолда, Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли бюджетдан ташқари фондлари жамланди. Ушбу чора давлатнинг барча маблағларини давлатнинг фискал органлари назорати остида жамлаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2699-сон Қарорига асосан, Давлат мақсадли жамғармаларсиз Давлат бюджетининг 2017 йилги даромадлари 44469,6 млрд. сўм ва харажатлари 46943,1 млрд. сўм миқдорида тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси даромадлари 2755,9 млрд. сўм ва харажатлари 2309,1 млрд. сўм миқдорида тасдиқланди. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда давлат молияси даромадлари ва харажатлари бўйича олиб борилаётган молия сиёсати ҳозирги кун ва давр талабларига атрофлича жавоб беради. Таҳлил маълумотлари намоён қилмоқдаки, давлат молияси ва унинг таркибий қисми ҳисобланган давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар, давлат мақсадли жамғармалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳар томондан кўмак бермоқда. Давлат бюджети молия йили бошида ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз дефицит билан тасдиқланаётган бўлса-да аммо самарали олиб борилаётган молия сиёсати асосида йил якунида профицит билан якунланмоқда. Давлат бюджети илк марта, 2018 йилда профицит билан тасдиқланди.

¹⁷Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Презеденти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \ \ Халқ сўзи. 2014 йил. 5 декабр.

2.2. Пенсия жамғармасидан пенсия таъминотини молиялаштириш механизмини таҳлили

Ҳозир давлатнинг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири – аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўлиб турибди. Буни ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири - эса пенсияга чиққан фуқароларнинг яхши яшашларига имкон берадиган пенсия таъминотидир. Пенсия тизимини тузишдан мақсад кекса фуқаролар яхши яшашлари учун давлат хайрия қилиши эмас, балки инсон кексайганда унинг тўкин яшашига имкон берадиган пенсия тизимини молиялаштириш усулини топиш, ижтимоий адолатни таъминлаш бўлади. Турли давлатларда бу мақсадга эришиш йўллари бир-биридан фарқ қилади.

5-жадвал

Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида пенсия суғуртасини молиялаштириш манбалари (фоизда)¹⁸

Мамлакатлар	Фуқороларнинг пенсия суғуртаси бадаллари	Иш берувчиларнинг пенсия суғуртаси бадаллари	Давлатнинг пенсия суғуртаси фондидаги иштироки
Белгия	7,5	8,6	Субвенция 20 фоиз (йил харажатлари миқдоридан)
Буюк Британия	5-9	5-10,4	Субвенция
Германия	9,35	9,35	Субвенция
Италия	7,15	17,06	Субвенция
Испания	4,8	24	Субвенция
Франция	6,6	8,2	-
Греция	4,75	9,5	Иш стажига эга бўлмаганлар харажатларини қоплаш
Ўзбекистон	7,0	24,8	-


¹⁸Абдуллаев З. А. Хорижий давлатларда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш муаммолари. Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2014 йил. 21 ноябрь. Б.13.

Юкоридаги жадвалда Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида пенсия суғуртасини молиялаштириш манбалари кўрсатилган. Пенсия таъминоти масаласи, айниқса, XX асрнинг 80-йилларида мураккаблашди. Айнан шу вақтда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида пенсия тизими ислохотлари бошланди. Ишлаётганлар (бадал тўлайдиганлар) билан ишламаётганлар (пенсия оладиганлар) ўртасидаги фарқ кўпайгани учун тақсимланувчи пенсия тизими ишламай қолди ва бу муаммо пенсия тизимини ислох қилишга мажбур қилди. Пенсия таъминотидаги фарқ асосан давлат бюджети харажатлари ҳисобидан қопланди, бу ҳам пенсия таъминотини салбий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кексалик, меҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан суғурта тизими (пенсия таъминоти, жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолини айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлар шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътиллارни бериш), соғлиқни суғурта қилдириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таъминланади.

Иқтисодчи Х.Х.Абдурахмонов томонидан ижтимоий муҳофаза тизимининг тўртта вазифаси кўрсатилади: сиёсий; иқтисодий; ижтимоий-реабилитация (қайта тиклаш); профилактика. Ижтимоий муҳофаза тизимининг иқтисодий вазифаси – меҳнат қилиш қобилиятини вақтинча ёки доимий йўқотиш (касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексалик туфайли) ёки боқувчисини йўқотганлик (ходимнинг оила аъзолари учун) муносабати билан йўқотилган иш ҳақи ёки даромаднинг ўрнини тўлдиришдан, шунингдек,

даволаниш ва ногиронлик муносабати билан қилинадиган қўшимча харажатларни қоплашдан иборат.



6-расм. Пенсия таъминоти тизими вазифалари¹⁹

Пенсия таъминоти тизими ўзининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тўртта функцияни бажаради. Макроиқтисодий функцияси–миллий иқтисодиёт ва жамиятда ижтимоий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Сиёсий функцияси–аҳоли қатламлари орасида ижтимоий барқарорликни таъминлаш. Иқтисодий функцияси–ишлаётганлар ва меҳнатга лаёқатсизлар, ёш ва кекса авлодлар, кўп ва кам даромадли аҳоли қатламлари ўртасидаги қарама – қаршиликларни бартараф қилиш. Ижтимоий функцияси – яратилган ЯИМни ижтимоий адолат тамойили асосида фуқароларга тақсимлаш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ижтимоий адолат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тамойиллари асосида ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Жамиятни ривожланишида ижтимоий тенглик,

¹⁹Эгамберидиев Х., Махмадазизов С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси ва тизими. Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2014 йил. 21 ноябрь. -Б.63.

ижтимоий кафолатларни таъминлаш аҳоли фаровонлигини ошириш каби вазифалар бажарилади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу борада бир қанча ишлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, итисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари эса 10,2 фоизга кўпайди.

6-жадвал

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат Дастурини молиялаштириш манбалари²⁰

№	Давлат дастурини молиялаштириш манбалари	млрд.сўм	млн.АҚШ долларида
1.	Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	310,3	-
2.	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	995,2	4,6
3.	Тижорат банклари кредитлари	940,3	-
4	Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлар	0,7	225,0
	Жами	2246,5	229,6

Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб эълон қилинаётган йилларнинг номи ҳамда қабул қилинаётган давлат дастурлари оилага ва оила аъзоларининг молиявий масалаларга бағишланган бўлиб, уни мустаҳкамлаш учун, ўз навбатида, катга маблағлар ажратилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда 2015 йилда “Кексаларни қадрлаш йили”га Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга харажатларнинг жами 2 246,5 млрд сўм ва 229,6 млн АҚШ

²⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги 2302-сон Қарори асосида муаллиф томонидан тузилган.

долларига тенг маблағ йўналтирилди. Мазкур дастурни ишлаб чиқишда бугунги кунда кекса авлод вакилларининг ҳаётига дахлдор бўлган, ҳали-бери ечилмаган муаммоларни ҳал қилинади. Мамлакатимизда замонавий ва жаҳондаги андозаларга мос равишда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг фаолиятини йўлга қўйиш мамлакат иқтисодиёти олдида турган жуда кескин ўзгаришларни амалга ошириш шароитида содир бўлди.

7 -жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари²¹

(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	ЙИЛЛАР					
	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Харажатлар	8064,5	10302,1	13013,7	16557,0	18113,3	19505,1
шу жумладан						
Ишламайдиган фуқароларга пенсиялар	7246,0	9097,6	11191,9	12838,1	14779,6	16629,9
Ишлайдиган фуқароларга пенсиялар	290,9	317,4	426,6	474,8	484,3	534,5
Бола туғилганда бериладиган, дафн маросими нафақалари	12,8	20,5	29,1	105,2	152,1	204,3

Пенсия тизими мукамал даражада ишлаши унинг қонуний-ҳуқуқий асосини тўғри ташкил этилганлиги ва унинг ижросини қай даражада амалга оширилишига боғлиқ бўлиб, шу орқали Пенсия жамғармасига йиғилган маблағлар харажатларга тўғри тақсимланади. Дунё мамлакатларида пенсия тизимида маблағларни келиб тушиши ва уларнинг харажатлари пенсия тури

²¹Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бўйича турли тармоқларга мос равишда тақсимланади. Мамлакатимизда пенсия тизимига йўналтириладиган маблағлар, яъни мажбурий ажратмалар, тўловлар ва бошқа маблағларнинг миқдори ҳар молия йили бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Ушбу мажбурий тўловлар ва бадаллар юридик жиҳатдан давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланиши кўрсатилган. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида ифодаланади. Ариза - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат деб кўрсатилади. Ариза²² ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг “Пенсия тайинлашни сўраб

²²Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.2014 йил. 4 декабрь.19-модда.Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари.

мурожаат этиш тартиби” кўрсатилган 43-моддада «маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш хаки тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз такдимномаси билан бирга аризачи истикомат киладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Башарти, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлашга тавсия этиш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабар қилинади. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс маъмуриятнинг (бошқарувнинг) пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига рози бўлмаган ҳолларда, у пенсия тайинланишини сўраб бевосита туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин» деб келтирилган.

Ўзбекистон пенсия тизими 3,3 млн.дан ортиқ фуқароларни ўз ичига олиб, мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизини қамраб олади. Бунда, ёшга доир пенсия олувчилари – 2 502,6 минг нафар, ногиронлик пенсия олувчилари – 360,3 минг нафар, боқувчисини йўқотганлик пенсия олувчилари – 168,5 минг нафар ва ижтимоий нафақа олувчилари – 294,1 минг нафарни ташкил этади²³.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар давомида иқтисодий фаол аҳоли ҳиссасига ижтимоий бадаллар бўйича юклама тобора ошмоқда. Демографик башоратларга кўра, 2018-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) ошиши кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади. Шундай қилиб, 2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида пенсия тайинлаш учун йиллик мурожаатлар сонини ортиб бориши (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) кузатилмоқда ва 2025 йилга бориб 300 минг нафарга ортиши кутилмоқда. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши, туғилиш даражаси юқори бўлган 50-60-

²³"Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси" лойиҳаси. http://pf.ru/uz_Cyrl/page/518/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-islo-etish-konceptsiyasi-loiyasi

йиллардаги даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқ.

Мамлакат аҳолисининг қариб бориши кўрсаткичи шуни кўрсатадики, пенсия ёшидаги аҳолининг сони ўсиш тенденциясига эга (2010 йилдаги аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоиздан 2018 йилга келиб 7,4 фоизгача). Статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2019 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги аҳоли сони 9 фоиздан ортади ва 2025 йилга бориб 11 фоизга етади (2011 йилдаги 6,2 фоизга нисбатан). Шу билан бирга, фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири бу пенсия ёши ҳисобланади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунёда ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил этади (аёллар учун 55 ёш, эркеклар учун 60 ёш). Марказий Осиё давлатларида, масалан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи эркеклар учун 63 ёш, аёллар учун –58 ёш. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшини 63 ёшга етказиш, бунда ҳар йили пенсия ёшни 6 ойга босқичма-босқич ошириш йўли билан амалга ошириб борилади. Туркменистонда пенсия ёши эркеклар учун 62 ёшни, аёллар учун 57 ёшни ташкил этади.

Ижтимоий сиёсатининг кучи ва аҳамияти шундаки, бунда асосий эътибор инсонга, уни ҳимоялашга қаратилади. Бундай сиёсатнинг моҳияти шундаки, давлат бутун жамиятни аниқ ишлаб чиқилган, янги бозор муносабатларига ўтишни юмшатадиган ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олишга ҳаракат қилади. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда жамиятнинг аъзоларини иж-тимоий ҳимоялаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун аниқ мақсадни кўзлаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва воситаларнинг бутун тизими ишламоқда. Ана шу чора-тадбирларни амалга ошириш бозор тараққиётининг одат тусига кирмаган хусусияти туфайли келиб чиқадиган руҳий тангликни йўқотишга ёрдам бериши керак. Шу билан бирга иқтисодийни модернизациялаш шароитида ижтимоийсиёсат одамларда тоталитар тизим томонидан шакллантирилган боқимандалик

кайфиятини енгишга, уларда бозор шароитида зарур бўлган тадбиркорлик имкониятларини кўрсатишга қаратилиши керак.

Жаҳондаги ҳар бир давлат аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсатини олиб бориши натижасида ижтимоий муаммолар давлат ёрдамида бартараф этиб борилмоқда. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда уни бошқариш катта молиявий маблағ талаб этади, айнан бу маблағларни давлат марказлашган ҳолда амалга оширади. Шу боис уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни давлат ўз зиммасига олади, мамлакатда яратилган ЯИМнинг бир қисми улар фойдасига қайта тақсимланади. Пенсиялар иқтисодий мақсадга кўра ижтимоий суғурта сифатида иш ҳақи ёки оилавий даромаддан маҳрум бўлганда уларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилган. Пенсия тизими суғурталаш асосида шакллантирилади ва аҳолини эҳтиёжларини қондириш ҳамда конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун мўлжалланган пул маблағлари фондидан фойдаланилади. Ўзбекистонда давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий таъминот, ижтимоий ёрдам самарадорлигини ошириш, муҳтож табақаларига бериладиган ёрдам аниқ йўналтирилган бўлишини таъминлаш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш, пенсия таъминоти механизмларини аҳоли учун тушунарли, содда бўлишига эришиш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг жамланган бюджет таркибидаги Пенсия жамғармасининг ижобий томонлари қуйидагилар билан асосланади: бюджет харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олиш; маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш; ижтимоий харажатларни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қолдиқ тамойилларини бартараф этиш; молиявий ресурсларни кўпайтириш.

2.3. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш жараёни

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.



7-расм. Ўзбекистонда янги иш жойларини яратиш тизими²⁴

²⁴Касимова Г.А. Бандлик ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишидир. \ mailto:e-jurnal_tdiu@mail.ru. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» электрон журнали. - Тошкент. 2016. -№6. Ноябрь- декабр.

Мамлакатда 2016 йилда демографик омилларнинг меҳнат бозорига сезиларли ва бевосита таъсири сақланиб қолди. Маълумотларга кўра, 2016 йилда меҳнат ресурслари сони-18,5 миллион кишини, шундан иш билан банд бўлганлар сони -13,4 миллион кишини, уларнинг ўсиши тегишли равишда 1,3 ва 2,3 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда 2016 йилда иш ўринларига эҳтиёж бўлмаган аҳоли сони 4,5 миллион киши кўрсатилган.«Иқтисодий ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди»²⁵.

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда иш ўринларига эҳтиёж бўлмаган аҳоли сони ва таркиби²⁶

Кўрсаткичлар	Аҳоли сони млн. киши
Иш ўринларига эҳтиёж бўлмаган аҳоли сони	4,5
Шундан	
Ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда ўқиётганлар сони	1,8
Уч ёшгача бўлган бола тарбияси билан банд бўлган аёллар сони	1,6
Соғлиғи ва оилавий шароитига кўра ишга жойлашиш имкони бўлмаган аҳоли сони	1,1

БМТ ташкилоти Бош Ассамблеясида 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар” тўғрисидаги Пактда фуқароларнинг меҳнат қилишни эркин танлаб олиш ҳуқуқи, адолатли иш ҳақи олиш, касаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи, ижтимоий

²⁵Каримов И. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. \ Халқ сўзи. 2016 йил

²⁶ Ҳақиқатда.

таъминот, сихат-саломат бўлиш ва билим олиш ҳуқуқи белгиланган. Бу борада Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1964 йилда қабул қилинган “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида” 122-Конвенция муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати тамойиллари Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси принциплари, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳуқуқий нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш; янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш; меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида Корея Республикаси, Япония ва бошқа давлатлар ҳамда халқаро молия институтларининг 8,5 млн.долл. грант маблағлари ва имтиёзли кредитларини, шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда вилоят марказларида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказларини босқичма-босқич ташкил этиш орқали ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш режалаштирилди. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот берилган.

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот¹

	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2012	2013	2014	2015	2016	2017
I	Жами даромадлар	34595,8	29530,2	33578,9	34954,7	42541,0	55483,3
	Жумладан						
1.	Ягона ижтимоий тўлов суммасидан 0,1 фоизли мажбурий ажратма	19241,6	24033,3	29585,1	31988,8	38344,7	44589,4
2.	Бошқа даромадлар	15354,2	5496,9	3993,8	2965,9	4196,3	10893,9
II	Жами харажатлар	34065,4	26800,8	32461,1	36764,9	42727,6	53768,7
	Жумладан						
1.	Ишсизлик нафақаларини тўлаш	441,6	531,1	700,2	978,6	1710,4	2801,7
2.	Ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш харажатлари	56,6	141,5	220,5	247,6	442,6	517,2
3.	Муддатидан олдин пенсия харажатларини тўлаш	57,0	33,5	34,6	36,3	175,4	165,9
4.	Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув марказлари харажатлари	660,1	1991,3	2697,0	3153,5	3721,5	5047,0
5.	Бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамда бюроларни сақлаш харажатлари	29957,6	22424,8	24708,0	29784,0	30372,5	39465,0
6.	Ногиронларга ихтисослаштирилган иш ўринларини ташкил этиш тадбирларини қисман молиялаштириш	-	-	-	-	-	-
7.	Бошқа харажатлар	2892,5	1681,6	4100,8	2564,9	6305,2	5771,9

¹Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг даромадлари 2012 йилда 34595,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 29530,2 млрд.сўм маблағ, 2014 йилда 33578,9 сўм, 2015 йилда 34954,7 млрд.сўм бўлиб, 2016 йилда 42541,0 сўм, 2017 йилда 55483,3 млрд.сўм ажратилди. Шундан ягона ижтимоий тўлов суммасидан 0,1 фоизли мажбурий ажратма 2012 йилда 19241,6 млрд.сўмни (55,6 фоиз) ташкил этган, 2013 йилда 24033,3 млрд.сўм (81,3 фоиз)га тушган, 2014 йилда 29585,1 млрд.сўм (88,1 фоиз), 2015 йилда 31988,8 млрд.сўм (91,5 фоиз)га тенг, 2016 йилда 38344,7 млрд.сўм (90,0 фоиз)га, 2017 йилда 44589,4 млрд.сўм (80,3 фоиз)га тенг бўлди. Бошқа даромадлар 2012 йилда 15354,2 млрд.сўмни (44,4 фоиз) ташкил этган, 2013 йилда 5496,9 млрд.сўм (18,7 фоиз)га тушган, 2014 йилда 3993,8 млрд.сўм (11,9 фоиз), 2015 йилда 2965,9 млрд.сўм (8,5 фоиз)га тенг, 2016 йилда 4196,3 млрд.сўм (10,0 фоиз), 2017 йилда 10893,9 млрд.сўм (19,7 фоиз)га тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4782-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда меҳнат органлари фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш, аҳолининг, авваламбор ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПФ-2498-сон Қарори тасдиқланди. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, уни тақсимлаш, қайта тақсимлаш, йўналтириш, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширилишини кафолатлаш, бу ҳуқуқлардан фойдаланиш билан боғлиқ

бўлган муносабатларда бир томондан, махсус ваколатга эга давлат органи, иккинчи томондан эса бошқа давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар иштирок этадилар. Бундай ҳуқуқий муносабатлар ўз навбатида оммавий ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, нормалар ҳамда қоидалар асосида иштирокчилар учун мажбуриятлар белгиланади, ваколатлар ва ҳуқуқлар берилади. “Иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланади¹.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида фуқароларни ишга жойлаштириш масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунига мувофиқ, иш қидирувчи шахслар сифатида яшаш жойи бўйича бевосита меҳнат органларига ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудларига бириктирилган туман (шаҳар) меҳнат бўлими ходимларига иш қидириб муружаат қилган меҳнат қилишга, касбий тайёргарлик ва малакасини оширишдан ўтишга тайёр бўлган 16 ёшга тўлган фуқаролар ҳам кўрсатилган. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш ва кенг қўламли ижтимоий

¹Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил. 14 сентябр. 23-модда. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари.

дастурларни маблағ билан таъминлаш, унинг манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Пенсия соҳасининг ҳолати ва тараққиёт даражаси мамлакат ривожланишини, аҳолининг турмуш даражасини оширишда ҳал қилувчи ўрин тутади. Амалга оширилган чуқур ислохотлар, уларнинг замонавий кўринишларининг амалиётга жорий этилиши, республикамизда ижтимоий таъминот масалаларининг тўғри ташкил этилганлигидан далолат беради. Айнан аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий меъёрларига амал қилиниши ва Пенсия жамғармасининг ҳозирги ҳолати ва даромадлар манбаларини кўпайтириш долзарб вазифалар қаторига киритилади.

Ўзбекистонда давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий таъминот, ижтимоий ёрдам самарадорлигини ошириш, муҳтож табақаларига бериладиган ёрдам аниқ йўналтирилган бўлишини таъминлаш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш, пенсия таъминоти механизмларини аҳоли учун тушунарли, содда бўлишига эришиш мақсадида қатор чоратadbирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг жамланган бюджет таркибидаги Пенсия жамғармасининг ижобий томонлари қуйидагилар билан асосланади: бюджет харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олиш; маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш; ижтимоий харажатларни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қолдиқ тамойилларини бартараф этиш; молиявий ресурсларни кўпайтириш.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этишда ижтимоий жамғармалардан фойдаланишнинг жаҳон амалиёти

Жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий йўналишларида қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади¹:

- ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик ҳолатлари;
- касаллик туфайли ва туғруқ ҳолатлари;
- иш фаолиятида жароҳатланиши;
- ишсизлик;
- кам таъминланган оиллага ижтимоий нафақалар тайёрланиши.

Жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган Америка Қўшма Штатлари аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ўзига хос тизими ҳозирги кунгача амал қилиб келмоқда. АҚШда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими икки қисмдан иборат бўлиб, биринчидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашни давлат тизими мамлакат Конституциясида ифода этилган ҳуқуқий меъёрлар асосида ташкил этилган. Бу ҳимоя тизими асосан аҳолининг ўз-ўзининг ижтимоий ҳимоялашга кенг ҳуқуқлар берилган бўлиб, асосий эътибор фуқароларнинг ўз даромадларини ўзлари кўпайтиришларига қаратилган. Давлатнинг олиб борилаётган ижтимоий сиёсати асосан моддий ёрдамга муҳтож, аммо фуқаро ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоя қилишга қодир бўлмаган тақдирда кўрсатилади. АҚШда моддий ёрдам боқувчисини йўқотган оилаларга, агар фуқаро қарилиги учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлса, оиласи, болалари, ота-онаси унинг қарамоғида

¹John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016. ISSA.-P.4.

бўлганда, ёшига ва боқувчисини қармоғидаги боқимандаларнинг меҳнат лаёқатига қараб белгиланади. Белгиланадиган нафақа миқдори қарилги учун олинадиган пенсия миқдорида берилади. Ишга лаёқатсизлиги учун бериладиган нафақа касаллиги, бахтсиз ходисага учраганлиги ва бошқа сабабларга биноан берилади. Федерал Дастур бўйича бериладиган нафақалар солиқ ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда ижтимоий суғурта ҳисобидан буларнинг манбаи ёлланма ишчилар, хизматчилар ва тадбиркорлардан олинадиган солиқ ва суғурта шаклидаги маблағ ҳисобланади. Мамлакатдаги ишсизлик суғурта фонди амал қилиб, унинг молиявий манбалари тадбиркорлардан олинадиган солиқ ҳисобига ташкил этилади ва шу фонддан ишсизларга нафақа бериб борилади.

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. “Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШ нинг “Ижтимоий ҳавфсизлик бўйича” қонунида қўлланилди, кейинчалик Халқаро Меҳнат Ташкилоти концепцияларида бу тушунча мазмуни мукаммаллаштирилди. АҚШда ижтимоий дастурларнинг амалга ошириш учун турли даражада бошқариладиган кўп сонли ижтимоий фондлар фаолият кўрсатади. Булардан учта энг йирик фондларни кўрсатиш мумкин¹.

1. Қарилгани, ногиронлигани ва боқувчини йўқотганда суғурталаш фонди.
2. Давлат хизматчиларини суғурталаш фонди.
3. Мухтожларга ёрдам фонди мавжуд.

АҚШда қуйидаги асосий дастурлар амалга оширилмоқда: (1) ўрта даромадлилар учун, хусусий суғурта компаниялари амалга ошираётган — кўпчилик америкаликлар учун соғлиғини суғурта қилдириш шахсий иш

¹Patrick J., Vaughana Sigrun, Mogedal b Stein, Erik Kruseb, Kelley Leea, Gill Walta, Koende Wilde. Financing the World Health Organisation: global importance of extrabudgetary funds. Health Policy Volume 35, Issue 3, March 1996, Pages 229-230.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/0168851095007865>

ҳисобланади, шунинг учун аҳолининг 85,0 фоизига яъни оиланинг 10 фоиздан ортиқ даромадини харажат қилгани ҳолда хусусий тиббий суғурта полисларини сотиб олишади; (2) ёши ўтганлар учун — 65 ёшдан ўтган кекса кишилар, жумладан ўрта синф ичидагиларни ҳам қамраб олган «Медикер» тиббий суғуртасининг давлат дастури; (3) камбағаллар учун — даромади жуда ҳам кам бўлган, яъни камбағалларга тиббий ёрдам кўрсатувчи, иккинчи йирик «Медикейд» давлат дастури; (4) ҳарбий хизматчилар учун; (5) истеъфодаги ҳарбийлар учун.

Миллий давлат дастури «Медикейд» - кам таъминланган аҳоли қатламлари учун ташкил этилади. АҚШ аҳолисининг 95%и касалланиш ёки жароҳатланиш ходисасига суғурталанган. «Медикейд» дастури соғлиқни сақлашни суғурталаш дастури бўлиб ҳисобланмайди, чунки суғурталанувчи суғурта бадали ва махсус солиқ тўламайди. Бу дастур умумий солиқлардан молиялаштирилади, Федерал бюджетидан 50% ва штатлар бюджетидан 50% қисми қопланади. АҚШда фуқароларнинг соғлиғини хусусий ва оилавий суғурталаш 74%ни ташкил этади, корхоналар томонидан фуқарони суғурталаш услубида амалга оширилади. Миллий давлат дастури «Медикер» - 65 ёшдан ошган фуқаролар (пенсияонерлар) ва ногиронлар учун ташкил этилади.

АҚШдаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг амалдаги мавжуд таркибини Ўзбекистонда ташкил этиш ва қўллаш республиканинг реал шароитига тўғри келмайди. Масалан:

1. АҚШ бозор иқтисодиётига аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг қаттиқ усулини қўллаб ўтган. Ўзбекистонда бу усулни қўллаб бўлмайди, чунки республикада аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми кўпчиликни ташкил этади.

2. АҚШдаги ижтимоий ҳимоя тизимидаги кафолатланган даромадлар дастури фақат Америка иқтисодиётига монанд ишлаб чиқилган. Ўзбекистонга бу усул маъқул эмас, бунинг учун молиявий ресурслар

етмайди.

9-жадвал

Замонавий ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари¹

Тамойиллар	<ul style="list-style-type: none"> ✓ жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилмаларининг бирлиги; ✓ жамиятнинг барча аъзолари учун ҳуқуқлар тенглиги ёки ижтимоий тизимнинг қулайлиги; ✓ ижтимоий суғурта ва қайта тақсимлаш механизмларини бирга олиб бориш ✓ бирдамлик ✓ суғурталанувчанлик ✓ субсидияланувчанлик ✓ манзиллилик ✓ динамизм ✓ ягона меъёрий макон ✓ ижтимоий ёрдам соҳаларининг кенгайтиши 	
Устувор тамойиллар	Фаровонлик давлати (<i>welfare state</i>)	Либерал ижтимоий давлат
	Европа мамлакатлари	АҚШ, Австралия, Ирландия
	Жамият барча аъзоларининг турмуш даражасини тенглаштириш тамойили	меҳнат стажидан келиб чикиб, ижтимоий рискдан заррарни қоплаш тамойили
	бирдамлик	суғурталаш
	қайта тақсимлаш молиявий механизми	суғурталаш молиявий механизми

¹Исмоилов А. Ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 15 ноябрь. -Б.91.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими швед «умумий фаровонлик давлати»нинг асосий унсури ҳисобланади. Давлат ижтимоий ночор аҳоли тоифаларига ижтимоий неъматларни қайта тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Жамиятда юзага келган эҳтиёжлар даражасига мос юқори нафақалар миқдорлари турларининг хилма-хиллиги (пенсиялар, нафақалар, уйларда қарияларнинг яшашини таъминлаш) ни белгилайди. Швецияда ишсизлик даражаси 1,8-2,2 %ни ташкил қилади, кўпгина мамлакатлар учун бу кўрсаткич тўлиқ бандлик ҳисобланади. Давлат нафақат ишсизларни ишга жойлаштириш билан шуғулланади, балки уларни моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлайди. Ишсизлик бўйича нафақа тўлови иш жойини йўқотгандан кейин беш кун ичида олиб борилади. Моддий ёрдам кўрсатишнинг максимал муддати 55 ёшдан кичик шахслар учун 300 кунни ва катта ёшдаги шахслар учун 450 кунни ташкил этади.

Ишсизликдан суғурталаш ёлланиб ишлаётган аҳолининг 90 %ини қамраб олади ва ишини йўқотган вазиятда иш ҳақидан 80% лик қопламани кўзда тутди. Ўртача ишсизлик бўйича касаба уюшмалари суғурта кассалари фонди нафақаси ойига 9000-12000 кронни ташкил этади. Ишини йўқотганларнинг 68%и фойдаланадиган ишсизлик бўйича суғурта кассалари фондлари иш берувчиларнинг ажратмалари (72%), давлат бюджетидан ажратмалар (25%) ва ёлланма меҳнат шахслари касса аъзоларининг ўтказмалари (3%) дан шаклланади. Бунда ишсиз ишсизлик вазиятда ихтиёрий суғурта жамиятига аъзо бўлган бўлиши керак. Агар аъзо ҳисобланмаса, кўпи билан 150 кун нафақа олиши мумкин бўлади. Суғурта шартномасига кўра, нафақа аввалги иш ҳақининг 90 % игача қоплаши зарур, аммо реал воқеаликда унинг ҳажми 45-90 фоизи доирасида тебраниб туради.

Швецияда оила ва кексаларга ижтимоий имтиёзлар берилади. Бола туғилганда ота-оналар 12 ойлик ҳақи тўланадиган таътил ҳамда бола 16

ёшга етгунга қадар солиққа тортилмайдиган ойлик нафақа олади. Болага 8 ёшга етгунга қадар бир мартали нафақа, 12 ёшгача бўлган болалар ва ота-оналарга касаллик бўйича нафақалар, 18 ёшгача болалар учун алиментлар, ота-оналардан бирини йўқотиш билан боғлиқ равишда 18 ёшгача болаларга нафақалар, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга тўловлардир. Умуман олганда, ўртача швед оиласи барча нафақаларни қўшиб ҳисоблаганда, аммо солиқлар чиқариб юборилмаганда, ҳар бир болага ойига 696 минг крон (тахминан 3000 доллар) даромадга эга. 25 мингдан паст даромадга эга бўлган оилалар турар жой дотациясини, кам таъминланганлар эса яна ижтимоий ёрдам ҳам олади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, Швеция, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибалари аҳолини ижтимоий ҳимояланган ва кафолатларнинг кучли ва таъсирчан воситаси мавжуд бўлган тақдирдагина бозор иқтисодиёти сари жадал ҳаракатни таъминлаш, таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш ва айни пайтда, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш мумкинлигини кўрсатди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳозиргача сақланиб келаётган ижтимоий ҳимоя тизимини жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик ижтимоий ҳимоя соҳасидаги бой тажрибаларини ўрганиб, республиканинг хусусиятларига мос келадиган томонларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Европадаги ривожланган мамлакатлардан бири Францияда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат Конституцияси ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қабул қилинган ва ҳозирги даврда амал қилиб келаётган қонунлар талаби асосида ташкил этилган. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмларини муҳофаза этишда аҳолини умумий тарзда ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг марказлашган ижтимоий ҳимоя тизимининг роли муҳим бўлиб, шу билан бирга давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг

кафолатланган воситаси аҳолини иш билан банд этиш буйича Давлат дастури қабул қилинган. Давлат ташаббуси билан иқтисодий механизмларни қўллаган ҳолда мамлакатда мавжуд барча мулк шаклларидаги корхоналар ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашда Францияда амал қиладиган қонунлар талабини бажаришга мажбурдир. Чунки давлат ўзининг назорат қилувчи қонунлари ижросини текшириш йўли билан турли мулк эгаларини аҳолини иш билан банд этиш масалаларини ҳал этишга иштирок этиши табиий ҳолга айланган. Кейинги 10 йил ичида Францияда аҳолини иш билан банд этиш, уни қайта янги касблар бўйича ўқитиш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш бўйича бир нечта қонунлар қабул қилинган. Айниқса, 1982 йилда 16-18 ёшдагилар учун мутахассислик касблари бўйича қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Ҳукумат томонидан қабул қилинган шогирдлик йўли билан ёшларни замонавий касблар бўйича қайта тайёрлашда солиқ тизими орқали имтиёзлар берилган, яъни солиқ учун тўланадиган маълум сумма корхонада қолади. 1987 йилдаги Декретга биноан Францияда ёшларни ишга ёллашда тўлиқ бўлмаган иш куни бўйича ишлатиш 2 йилгача давом этиши қонун бўйича белгилаб берилган. Ёшларга ижтимоий ташкилотларда ишлашга кенг имкониятлар берилган бўлиб, бундай ишларни бажарган ёшлар давлатдан ҳар ойда 3250 франк ҳақ оладилар. Давлат бундай ёшлар учун ижтимоий ҳимоя фондларига тўланадиган бадалларнинг маълум қисмини тўлайди ҳамда мамлакатдаги қонунларга биноан ишбилармонлар ҳам ёшларга 1500 франк тўлайдилар.

Францияда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда уларнинг даромадларини ошириш мақсадида ишловчиларнинг корхона фойдасидаги ҳиссаси тўғрисидаги қонун талабига биноан корхона фойдасидан ишловчилар ва хизматчилар ўз улушларини оладилар. 1986 йилда қабул қилинган қонунга асосан корхона фойдани тақсимлаш кўрсаткичлари бўйича ўз ходимларини хабардор этиб туради. Аҳолини муҳофаза этишда ишсиз фуқаро янги ишга жойлашганда унинг иш жойи яшаш жойидан 50 км узоқликда бўлса, давлат

фуқарога ишга бориб келиши ва янги жойга кўчиб ўтиб жойлашиш билан боғлиқ харажатларнинг маълум суммасини тўлайди. Умуман, давлат ёрдамнинг максимал миқдори бир одамга 100 минг франкни ташкил этади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда кўп ҳолларда моддий ёрдам ишсизларга пул шаклида берилади. Ишсизларга ишсизлиги учун оладиган нафақларидан ташқари ҳар куни 80 франк миқдорида қўшимча ҳақ бериб борилади.

Россия Федерациясида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг учта механизми мавжуд: Федерал ва минтақавий мажбурий тиббий суғурта; ихтиёрий суғурта; пуллик тиббий хизматдан фойдаланиш.



8-расм. Россия Федерацияси ижтимоий фондларнинг турлари¹

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, мажбурий тиббий суғурта шартномасининг универсал модели амалиётда йўқ. Ҳар бир мамлакат ўзининг соғлиқни сақлаш тизими ва суғурта тизимидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий тиббий суғурта шартномавий тизимини яратади. Мажбурий

¹Касимова Г.А. Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришни такомиллаштириш истиқболлари. // Бизнес-Эксперт. 2016 йил. №.11. –Б.28.

тиббий суғурта у ёки бу шаклда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун амалдаги суғурта тизими ва мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизимини таҳлил этиш ва у ёки бу шаклдаги мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш зарурияти, унинг қай даражада мақсадга мувофиқ эканини баҳолаш лозим.

Жаҳонда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг юқорида санаб ўтилган манбаларининг фақат биттасидан фойдаланмайди. Шунинг таъкидлаш жоизки, барча давлатлар миллий тиббий соҳани молиялаштиришда санаб ўтилган манбалардан аралаш тарзда фойдаланади. Масалан, Германия, Нидерландия, Франция, Япония, Канада каби давлатларда мажбурий тиббий суғурта тизими юқори даражада ривожланган. Буюк Британия, Швеция, Италия, Испания, Грецияда бюджетдан молиялаштириш тизими кенг тарқалган. АҚШда эса хусусий тиббий суғурта тизими фаолияти барқарор шаклланган. МДҲ давлатларида бюджетдан молиялаштириш тизими устувор ўрин эгаллаши билан бирга Қирғистон, Россия, Грузия, Латвия, Литва, Эстония каби мамлакатларда мажбурий ижтимоий тиббий суғурта жорий этилган.

3.2. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари

Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун қулай шарт-шароитларни яратадиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳамиятга молик улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаган-ларидек, “..Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”¹.



9-расм. “Электрон ҳукумат” тизими имкониятлари²

¹Мирзиёев Ш.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2016 йил. 8 декабр.

²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. / Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, “Электрон ҳукумат”ни шакллантириш, умуман “Ахборотлашган жамият”ни қарор топтириш муаммоларини тадқиқ этиш, ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий ва услубий базасини яратиш устида чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Электрон ҳукумат” тизими янада такомиллаштирилмоқда, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланиш имкониятлари оширилмоқда.

“Электрон ҳукумат” инфратузилмасида ягона Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, “Электрон ҳукумат”ни шакллантириш, умуман “Ахборотлашган жамият”ни қарор топтириш муаммоларини тадқиқ этиш, ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий ва услубий базасини яратиш устида чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Электрон ҳукумат” тизими янада такомиллаштирилмоқда, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланиш имкониятлари оширилмоқда. интерактив давлат хизматларини кўрсатиш портали амал қилади. “Электрон ҳукумат” билан мулоқатга киришган фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатлари белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги” ПҚ-2302-сон қарори ва “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Республика комиссияси йиғилишининг 2015 йил 23 февралдаги йиғилиши 14-сон баёни асосида кекса фуқаролар учун махсус “Nuroniy.uz”

интернет-портали ишлаб чиқилди. Ушбу интернет-порталнинг яратилишидан асосий мақсад пенсияга оид қонун ҳужжатлари, пенсия тизимидаги янгилик ва имтиёзлар, маслаҳат ва бошқа маълумотлар тўғрисида хабардор қилишнинг самарали тизимни ташкил этиш ҳамда кексалар учун ижтимоий тармоқ яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида “Электрон ҳукумат” тизими, шу жумладан бошқарув жараёнлари шунингдек, бизнес соҳасидаги ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”¹ деб таъкидлаган эдилар.

Ҳиндистонлик иқтисодчи А.Сен ижтимоий ривожланишнинг мақсади – ишлаб чиқаришни чексиз кўпайтириш эмас, балки одамларнинг кўпроқ ишлаши, билимларни эгаллаши, узоқ умр кўриши, касалликлардан холи бўлиши учун имкониятлар яратишда деб ҳисоблайди. Бундай баҳолаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири – инсон қадриятларини ҳисобга олишдир.

Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Конституция билан кафолатланиб, бу масала унинг 39-моддасида акс эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги кўрсатилган. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини турли қатламлари давлатнинг ёрдамига у ёки бу ҳолатда эҳтиёж сезади. Давлат миқёсида демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, ривожланган

¹Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон”. 2013. –Б.28.

мамлакатларда аҳолини моддий фаровонлигини ошириш бўйича олиб бораётган сиёсати давлатнинг асосий кундалик сиёсатига айланмоқда. Истеъмол саватчаси – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар ва хизматларнинг энг кам тўпламидир. Барча фуқаролар овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиши лозим. Буларнинг барчаси маҳсулотлар саватчасини шакллантириш учун асос ҳисобланади. Унинг маълумотларидан, ўз навбатида, тирикчилик учун зарур энг кам миқдор (истеъмол саватчасининг қиймат баҳосини) белгилаш учун фойдаланилади. Аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш зарур, ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча маблағ зарурлигини билиш керак.

Россияда 1997 йилдаги «Россия Федерациясидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида» ва 2012 йилдаги «Умуман Россия Федерацияси бўйича истеъмол саватчаси тўғрисида»ги қонунлар амал қилади. Россия Федерациясида истеъмол саватчаси ҳар 5 йилда белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари унинг ярмини (50%), ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар эса – ҳар бири чорак қисмини (25% + 25%) ташкил этади. Қозоғистонда озиқ-овқат саватчаси илмий асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг физиологик нормалари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларга харажатларнинг қатъий белгиланган улуши минимал истеъмол саватчаси қийматининг 45%и миқдорида белгиланади. Яъни қозоғистонликларнинг истеъмол саватчасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 55%ни ташкил этади. Қуйидаги жадвалда МДҲнинг айрим мамлакатларидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор шарҳ эълон

килинган кунда ушбу мамлакатлар валюталарининг расмий курси бўйича АҚШ доллари эквивалентида кўрсатилган.

10-жадвал

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг айрим мамлакатларидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор¹

Давлат	Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор
Қозоғистон Республикаси	24459 тенге (\$ 75,44)
Россия Федерацияси	аҳоли жон бошига – 10328 рубль (\$ 178)
	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 11160 рубль (\$ 192,35)
	пенсионерлар учун – 8496 рубль (\$ 146,43)
	болалар учун – 10181 рубль (\$ 175,48)
Беларуссия Республикаси	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 420 белорусь рубли 60 тийин (\$ 211,16)
	пенсионерлар учун – 331, 82 б.р. (\$ 166,59)
	тўрт кишилик оила учун – 328, 45 б.р. (\$ 164,9);
	уч кишилик ёш оила учун – 356, 1 б.р. (\$ 178,78)
Қирғизистон Республикаси	бутун аҳоли учун – 4 864,42 қирғиз сўми (\$ 71,09)
	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 5 440,04 сўм (\$ 79,5)
	пенсия ёшидаги аҳоли учун – 4355,8 сўм (\$ 63,65)

Республикамизда «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлигача ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш режалаштирилмоқда. Бу 2018 йилги Давлат дастурида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган) мамлакат аҳолиси даромадларининг зарур даражасини аниқлаш учун назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион

¹ https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/istemol_savatchasi_va_tirikchilik_uchun_zarur_eng_kam_miqdor_tuzish_chogida_nimalar_hisobga_olinadi

ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул ижрочилар этиб тайинланди.

Учинчи боб бўйича хулоса

Истеъмол саватчаси аҳолининг учта асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар: меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Бунда одатда истеъмол саватчаси таркибига киши уларсиз бамайлихотир, соғлом яшаши мумкин бўлган товарлар: тамаки маҳсулотлари, алкоғолли ичимликлар, тансиқ маҳсулотлар, зеб-зийнат буюмлари киритилмайди. Истеъмол саватчаси қуйидаги миқдорларни белгилаш учун ҳисоб-китобларга асосланиши керак:

- энг кам иш ҳақи ва пенсиялар;
- базавий ижтимоий тўловлар;
- ишсизлик нафақалари;
- болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари;
- стипендиялар.

Жаҳон тажрибалар асосида ижтимоий ҳимоя тизимининг тўртта асосий таркибий қисми ажратиб кўрсатилади.

1. Ижтимоий таъминот ва давлат пенсия таъминоти. Бу иқтисодий фаол аҳолининг иш жойини йўқотиш ёки пенсия ёшига етиши билан даромаддан маҳрум бўлиш хавфи (риск)дан ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бўлиб, мажбурий ижтимоий суғурталаш шаклида амалга оширилади.

2. Меҳнатга лаёқатли бўлмаганлиги, иш жойи, даромад манбалари мавжуд эмаслиги сабабли ўз-ўзини мустақил равишда моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлмаган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилинади.

3. Ихтиёрий қўшимча (касбий) суғурталаш. Бу алоҳида тармоқлар ва корхоналар доирасида узок муддатли жамоа битимлари асосида амалга оширилади.

4.Фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўз-ўзини шахсий суғурталаши асосида амалга оширилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

«Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат мақсадли жамғармаларидан фойдаланиш» мавзусидаги битирув малакавий иши юзасидан куйидаги хулосаларга келинди.

1. Мамлакатимизда давлат молияси даромадлари ва харажатлари бўйича олиб борилаётган молия сиёсати ҳозирги давр талабларига жавоб беради. Таҳлил маълумотлари намоён қилмоқдаки, давлат молияси ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва ижтимоий муаммоларни хал қилинишига ҳар томондан кўмак бермоқда.

2. Мамлакатимизда мақсадли жамғармалар ижтимоий-иқтисодий мазмунига қараб уч гуруҳга бўлинади:

– ижтимоий аҳамият касб этувчи жамғармалар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги: Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси; Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси; Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси; Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси);

– иқтисодий аҳамият касб этувчи жамғармалар (Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси; Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси; Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси);

– бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий аҳамият касб этувчи жамғарма (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси).

3. Истеъмол саватчаси – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар ва хизматларнинг энг кам

тўпламидир. Истеъмом саватчаси аҳолининг учта асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар: меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Бунда одатда истеъмом саватчаси таркибига киши уларсиз бамайлихотир, соғлом яшаши мумкин бўлган товарлар: тамаки маҳсулотлари, алкогольли ичимликлар, тансиқ маҳсулотлар, зеб-зийнат буюмлари киритилмайди. Бизнинг фикримизча, истеъмом саватчаси қуйидаги миқдорларни белгилаш учун ҳисоб-китобларга асосланиши керак: энг кам иш ҳақи ва пенсиялар; базавий ижтимоий тўловлар: ишсизлик нафақалари; болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари; стипендиялар.

4. Ўзбекистон Республикасида ханузгача муносиб пенсия миқдорларига эришишнинг аниқ меъёрлари жорий этилмасдан қолмоқда. Етарли даражада юқори иш ҳақи ва иш стажи давомийлигига эга бўлганлар ҳисобига, суғурта бадаллари билан қопланмаган характердаги пенсиялар тўланиб келинмоқда, ҳозиргача аниқ асосларга эга бўлмаган имтиёзлар амалда бўлиб, пенсия миқдори ва суғурта бадали ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тобора заифлашмоқда.

Битирув малакавий ишида тайёрланган хулосалар асосида битирув малакавий иши объекти ва предмети бўйича қуйидаги таклифлар берилди.

1. Бюджет мамлакат иқтисодиётининг асосий ўзаги бўлиб хизмат қилади. Давлат мақсадли жамғармалари ишлаб чиқариш таркибини шакллантиришга, иқтисодиётдаги пропорцияларни яхшилашга ҳамда давлат маблағларини самарали ишлатилишига ёрдам беради. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетни ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллигини кучайтириш ва давлатнинг мақсадли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш механизмнинг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Барча ишловчи пенсионерларга пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқини беришни таклиф қиламиз.

3. Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий адолати ва самарадорлигини ошириш соҳасида узгаришлар амалга ошириш керак. III гуруҳ ногиронлиги мавжуд шахсларга қатъий белгиланган миқдорда нафақаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади;

4. Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга тўланадиган пенсия миқдорини ошириш масаласини кўриб чиқиш керак.

5. Миллий пенсия таъминотида рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш керак. Фуқароларнинг 35 йилдан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорини ҳисоблаб чиқарилган ўртача иш ҳақининг 2 фоизи миқдорига ошириш мумкин.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган, бироқ пенсияни умумий белгиланган ёшдан кечроқ расмийлаштирган аёлларнинг пенсияларига устамалар белгилашни пенсия амалиётига киритиш мумкин.

7. Пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинмаган ўртача иш ҳақини пенсия тайинлаш кундаги белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 12 баробаригача ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу йўналиш фуқароларнинг меҳнат фаолиятининг давомийлигини ва юқори миқдорда иш ҳақи олувчиларни рағбатлантиришга қаратилган. Бундай механизмлар Европа давлатлари, АҚШ, Белорусь, Украина, Молдова ва бошқа бир қатор давлатлар қонунчилигида назарда тутилган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Меъерий-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2014. -40б. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 2007 йил. 25 декабр. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 2013 йил. 26 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.2014 йил. 4 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 2016. 16 сентябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сон Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2010 йил. 8-сон. 62-модда.).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги 2302-сон Қарори. 2015 йил. 18 феврал.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури тўғрисидаги 2487-сон Қарори. 2016 йил. 9 феврал.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2455- сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4760-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2699-сон Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига шарҳ.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 30 майдаги ПҚ-1542–сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2753-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.// Халқ сўзи. 2017 йил.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2826-сон Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 8-сон. 119-модда.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

21. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Презеденти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2014 йил. 5 декабр.

22. Каримов И.А. 2015 йил иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2015 йил. 18 январ.

23. Каримов И. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни

изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. \ \ Халқ сўзи. 2016 йил.

24. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент.: Ўзбекистон. 2016 йил.

25. Мирзиёев Ш.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \ \ Халқ сўзи. 2016 йил. 8 декабр.

26. Мирзиёев Ш.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш-нинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. \ \ Халқ сўзи. 2016 йил.

27. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. -56 б.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 2017 йил. 22 декабр.

3.Дарслик ва ўқув адабиётлари

29. Аллаёров Ш.А., Тошмухамедова Д.А. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. . – Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2015. – 248 б.

30. Баев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. Монография. «Иқтисодиёт». –Тошкент. 2012. 154 б.

31. Ваҳобов А.В,Касимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисод-молия. 2015. –Б.287.

32. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management –USA.: «Auerbach Publications». 2008. -288 p.

33. John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016. ISSA.-P.314.

34. Diana M. DiNitto, David R. Johnson. Social Welfare: Politics and Public Policy, 8/e. Pearson; 8 edition. USA, 2015.

35. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истикболлар. Б.А. Бегаловнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2016. 232 б.

36. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. Т.: Тамаддун. 2015. -108 б.

37. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Ижтимоий соҳа:бошқариш ва молиялаштириш. Монография. Тамаддун нашриёти. Тошкент давлат шарқшунослик институти. Т.: 2016. -216 б.

38. Касимова Г.А., Шолдаров Д.А. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. Тошкент.: 2017. 225 б.

39. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. Т.:Infocom. 2015. 425 б.

4.Даврий нашрлар (газета ва журналлар)

40. Абдуллаев З.А. Хорижий давлатларда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш муаммолари. Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш

истикболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2014 йил. 21 ноябрь. Б.13.

41. Абдуллаев З.А. Ўзбекистоннинг 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари келгуси тараққиёти мустаҳкам заминдир. // Молия. -Тошкент. 2016. -№1. – Б.10.

42. Абдуллаев З.А. Ёшга доир ижтимоий нафақанинг мазмун моҳияти ва унинг Ўзбекистондаги пенсия таъминоти тизимида тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 24 март-Б.22-24.

43. Атаев Ш. Давлат мақсадли жамғармалари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари. // Молия. -Тошкент. 2013. №5. – Б.15-19.

44. Ачилов У.У. Жаҳон мамлакатларида пенсия таъминоти тизими: омиллар, индикаторлар ва истикболлар. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 24 март.-Б.181-183.

45. Бегалов Б. Пенсия тизимида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 24 март-Б.3-5.

46. Исмоилов А. Ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари. Пенсия тизимининг молиявий барқарор-лигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 15 ноябрь. - Б.91.

47. Касимова Г.А., Турсунов Ж. П. Давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқаришнинг долзарб муаммолари. Миллий иқтисодиёт

рақобатбардошлигини оширишда давлат молиявий ресурсларини оқилона бошқаришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2016 йил. 29 апрел. -Б.74-77.

48. Касимова Г.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотини такомиллаштириш. \ Молия. 2017 йил. №1. –Б.108-117.

49. Касимова Г.А. Ҳазначилик шароитида Давлат бюджетини самарали бошқариш. www.interfinance.uz.\ «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. -Тошкент. 2016. -№3. декабр. – Б.1-11.

50. Касимова Г.А. Бандлик ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишидир. \ mailto:e-jurnal_tdiu@mail.ru«Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» электрон журнали. -Тошкент. 2016. -№6.– Б.1-10.

51. Касимова Г.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотини такомиллаштириш. \ Молия. 2017 йил. №1. –Б.108-117.

52. Касимова Г.А., Аметова Ф.Р. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя харжатларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. \ Иқтисод ва молия. 2017 йил. №2. –Б.48-58.

53. Касимова Г.А. Ўзбекистонда хорижий давлатлар пенсия жамғармалари фаолиятининг тажрибасидан фойдаланиш. www.interfinance.uz.\ “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. - Тошкент. 2017. -№6. декабр. – Б.1-8.

54. Касимова Г.А. Пенсия жамғармаси даромадларини янги иш ўринлари ҳисобига ошириш йўллари. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 15 ноябрь.-Б.120-122.

55. Касимова Г.А., Рахмонова Л. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотини такомиллаштириш йўналишлари. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш.

Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 15 ноябрь.-Б.176-178.

56. Касимова Г.А. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ижтимоий таъминотнинг ўрни ва аҳамияти. // Бизнес-Эксперт. 2017 йил. №12. –Б.30-33.

57. Касимова Г.А. Пенсия таъминотида электрон меҳнат дафтарларини жорий қилиш масалалари. www.interfinance.uz. // “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. -Тошкент. 2018. -№2. февраль. – Б.21-29.

58. Маматов Б., Хўжамқулов Д. Пенсия таъминотининг хориж тажрибалари ва хусусиятлари. www.interfinance.uz. // «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. -Тошкент. 2016. -№2. октябр. – Б.1-11.

59. Мехмонов С., Тошмухамедова Д. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳани қўллаб-қуватлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истикболлар. Б.А. Бегаловнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2016. –Б.51.

60. Очилов А. Давлат мақсадли жамғармалари тизимидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2015 йил. 27 февраль. -Б.100-101.

61. Турсунов Ж. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислохотлар. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 24 март-Б.217-217.

62. Ҳайдаров Н. Давлат молиясининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни. // Молия. -Тошкент. 2015. №1. – Б.3-11.

63. Эгамберидиев Х., Махмадазизов С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси ва тизими. Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2014 йил. 21 ноябрь. -Б.63.

64. PatrickJ., VaughanaSigrun, MogedalbStein, Erik Kruseb, KelleyLeea, Gill Walta, Koende Wilde. Financing the World Health Organisation: global importance of extrabudgetary funds. Health PolicyVolume 35, Issue 3, March 1996, Pages 229-246.

5.Интернет-сайт маълумотлари

65. www.lex.uz(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси).

66. www.treasury.uz(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги).

67. www.mf.uz(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

68. www.pfru.uz/uz/(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси).

69. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168851095007865>

70. https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/istemol_savatchasi_va_tirikchilik_uchun_zarur_eng_kam_miqdor_tuzish_chogida_nimalar_hisobga_olinadi